

1991 йил 1 январдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

18 февраль, шанба, 1995 йил  
Сотувда эркин нархда. № 36 (1038)

# ТАШРИФ САМАРАЛИ БЎЛДИ

Сеул. 17 февраль. (УзА махсус мухбири Қулмон Очи ҳабар қилади). Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифининг учинчи кунини учрашувлар ва музокараларга бой бўлди.

Бугун Ўзбекистон раҳбари Корея Республикаси Миллий мажлиси Раиси Хванг Пак Жу ва мамлакат сиёсий партиялари раҳбарлари билан мулоқотда бўлди. Дўстона суҳбат чоғида Ислам Каримов Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ислохотларнинг дастлабки яқунлари, хусусан, Олий Мажлисга кўппартиялик ва демократия тамойиллари асосида ўтган сайлов ҳақида сўзлаб берди. Икки мамлакат парламентларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш муҳим эканини таъкидлади.

Президент Ислам Каримовнинг Жанубий Корея савдо ва саноат вазирлиги Пак билан мулоқоти чоғида Ўзбекистон ва Корея Республикалари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ҳақида фикрлашиб

воллар, истаклар ва амалий ҳамкорлик юзасидан билдирилган таклифларга бой бўлди. Уларда Корея раҳбарлари, ишбилармонлари Ўзбекистонга катта хайрихоҳлик ва қизиқиш билан қараётгани яна бир бор ўз ифодасини топди. Мамлакатимиз раҳбарининг Корея Республикаси Президентининг «Чонг ваде» («Зангори уй») деб номланган мухташам саройида Ўзбекистон Президентини тантанали кузатиш маросими бўлиб ўтди. Сарой майдонида фахрий қоровул саф тортиди. Икки давлат мадҳиялари янгради. Корея Республикаси Президенти Ким Ён Сам рафиқаси билан Ўзбекистон Президентини Ислам Каримов ва унинг рафиқасини тантанали равишда кузатиб кўйди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Корея Республикасига давлат ташрифи яқунланди. Бу ташрифи ҳеч икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ишонч, тенглик ва манфаатли ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганини кўрсатди.



Усмон Юсупов туманидаги Ф. Фулом номи жамоа-ширкат ҳўжалиги чўпонлари қўшловни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида пухта тайёргарлик кўришган эди. Шу боис бу йил отарларда вақтлироқ қўзилатиш мавсуми бошланди. СУРАТДА: ҳўжалик бош чўпони Ҳ. Ақромов. Ш. ШАРОПОВ олган сурат (ЎзА).

**• Хабарлар оқимидан**  
**ОЛИФА СЕРОБ БЎЛАДИ**  
Ҳозир анча тақчил қурилиш материалларидан ҳисобланган олифа яқин вақт ичиде Каттақўрғон шаҳрида сероб бўлади. Бу ердаги ёғмай комбинатида уш маҳаллий шароитда тайёрлашни йўлга қўймоқдалар.  
Корхонанинг бу янги маҳсулотни ҳозир сивондан ўтказиляпти. Илк натижага ёмон эмас. Каттақўрғон олифаси барча кўрсаткичлар бўйича бошқа кор-

хоналарникидан қолишмайди. Шу йилнинг ўзида бу маҳсулотни тайёрлаш ҳажми анча ортади. Уни ишлаб чиқариш технологияси корхонанинг ўзида яратилди. Заҳур ускуналар Россиянинг Екатеринбург шаҳри машинасозларидан олинди.  
М. МУЗАФАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.  
**ЯНГИ ГУЗАР**  
Избоскан туманидаги Тўртқўл қишлоғи нафақат вилоятда, республикада ҳам аҳолиси энг зич қишлоқлардан ҳисобланади.

Фўқаролар йиғини ўраида 20 мингта яқин аҳоли яшайди. Шуниси муҳимки, кейинги йилларда қишлоққа саноат корхоналари олиб келиниб, янада файзли бўла бошлайди. Яқинда эса қишлоқ марказида «Мамажон ота» гузари қад ростлади. Унинг бунёдкори шу қишлоқлик ишбилармон Қозимжон Мамажон бўлди. Гузардаги шинам бозорча, савдо расталари, қасб-хона, автобус бекати, болалар учун «Денди» компьютерли ўйинхонаси қишлоқ аҳлига манзур бўлаётир.  
Ф. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

булган раҳбарлар, ҳиссалорлик жамиятлари, қўша корхоналар, мулкчиликнинг янги шаклига ўтган жамовалар, хусусий дўкондорлар, фермерлар, ширкатчилар, шахсий ёрдамчи ҳўжалик эгалари иштирокида ўтказилган йилгиш вилоятда иқтисодий ислохотни чўқурлаштириш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг йўл очиб борадида катта иш бўлди. Йилгиш тўла маънода «Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун хизмат қилиши керак» деган шўр асосида ўтди.  
Ҳақиқатан ҳам муқтақил Ўзбекистоннинг эртанги кўнини бевоасита ислохот белгилаб берди. Шунинг учун ҳам йилги-

**ПРЕЗИДЕНТ САФАРДАН ҚАЙТИБ КЕЛДИ**  
17 февраль кўни Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Корея Республикаси сафаридан ватанимизга қайтиб келди.  
Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи

Э. Халилов, республика Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Фуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлағанов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди. (ЎзА).

**АРЗОН ВА ЧИДАМЛИ**  
Сирдарёда кичик корхоналар сопи ана биттага қўнайди. Яқинда 200 шахрига қарашли 800 хонадондан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган чекка қўрғонлардан бирида вилоят ҳокимлигининг амалий ёрдами билан 490 миң сўмлик дастгоҳга эга бўлган тиквў цехи иш бошлади.  
«Муқтақиллик» номини олган мазкур корхонада ишсиз юрган ўнлаб хотин-қиз аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган устки кийим-кечак тикиш билан банд этилди. Гарчи маҳсулотлар сифати юқори бўлмасда, маҳаллий аҳоли учун айна мўддао бўлаётир. Негаки, корхонада ишлаб чиқилаётган кийим-кечакларнинг аксарияти болаларбўб бўлиб, арзон ва чидамлилиги билан қишлоқ шароитида жуда қўл келмоқда.  
Корхонанинг келажаги борлигига шубҳа қилмас ҳам бўлади. Чўнки хом ашёси ўзимизда — Олтиариқ ҳиссалорлик жамиятида тайёрланаётир.  
Ўқтан ҲАЙДАВЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

булган раҳбарлар, ҳиссалорлик жамиятлари, қўша корхоналар, мулкчиликнинг янги шаклига ўтган жамовалар, хусусий дўкондорлар, фермерлар, ширкатчилар, шахсий ёрдамчи ҳўжалик эгалари иштирокида ўтказилган йилгиш вилоятда иқтисодий ислохотни чўқурлаштириш, тадбиркорлар ва ишбилармонларга кенг йўл очиб борадида катта иш бўлди. Йилгиш тўла маънода «Инсон ислохот учун эмас, ислохот инсон учун хизмат қилиши керак» деган шўр асосида ўтди.  
Ҳақиқатан ҳам муқтақил Ўзбекистоннинг эртанги кўнини бевоасита ислохот белгилаб берди. Шунинг учун ҳам йилги-

**ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОҚ ОДИМЛАРИ**  
«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари ҳабар қиладилар.  
**ЯНА БИР ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ**  
Машҳур «Акател» немис фирмаси мутахассислари Намангандаги йирик телефон станцияларидан бирида асбоб-ускуналарни ўрнатишга киришдилар.  
Ўн миңг абонентга хизмат қиладиган эскириб қолган асбоб-ускуналар замонавий электрон апаратлар билан алмаштирилади. Бундан ташқари, фирма билан тузилган шартномага қўра, унинг вакиллари икки миңг абонентга хизмат қиладиган янги шаҳарлараро телефон станциясини ишга туширишда илтироқ этидилар. Белгиланган ишларни бажариш учун вилоят электр алоқаси ишлаб чиқариш бошқармаси 14,5 миллион немис маркаси сарфлашни мўлжалляпти.

**КАМОЛОТ ГУВОҲНОМАСИ ТОПШИРИЛДИ**  
Яқинда Қўқон шаҳрида бир гуруҳ фўқароларга муқтақил республикани топшириш маросими бўлиб ўтди. Паспортларини Қўқон шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутаты Ҳўжикўл Мавлюқуллов тантанали суратда топширди.  
СУРАТДА: Янги паспорт олган бир гуруҳ Қўқон ёшлари.

**ЙИЛ ОХИРИГАЧА 10 МИЛЛИОН СЎМЛИК МАҲСУЛОТ**  
Йилгирув-тўқув фабрикаси ҳўзуринда «Асака—Текстиль» акционерлик жамиятида харидорлар тўқиб сочқ ва чойшаб, ўрин ёпинчиғи ишлаб чиқариш бошланди.  
У ерда тўқиб мато тўқиладиган 10 та дастгоҳ ўрнатилган. Йил охиригача акционерлик жамияти жамоаси 75 миңг метр маҳсулот ишлаб чиқариб, ундан 10 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашни мўлжалляпти. Сўмлик маҳсулот саноати корхонаси буюртмасига биноан уларга 1200 миңг метрдан ортиқ маҳсус газлама етказиб берилди.

**ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА**  
Тошкентда республика олий ўқув ортиларини хорижий адабиётлар кутубхонасида кўргазма очилди.  
Унда жаҳоннинг етакчи иқтисодчиларининг асарлари намойиш қилинмоқда. Бу ерда 600 тадан кўпроқ китоб ва рисоалар бўлиб, улар орасида тадбиркорлар учун маҳсус лўғатлар, бизнесни қачон бошлаш ва қандай юритиш ҳақида ҳўқоқ қилувчи амалий қўлланмалар, менежмент ва маркетинг, банк иши ва молияга доир дарсликлар бор.

**ЖИГАЧИНИНГ КИГИЗИ ЗЎР...**  
Қоракўл туманининг Бўхоро жамоа ҳўжалигидаги Жигачи қишлоғи азал-азалдан ўзининг хўнармандалари билан вилоятда машҳур бўлиб келган. Бугунги кўнда ҳам қишлоқда ота-бобаларининг давом эттириб келадиган ёшлар қўллар топилади. Шулардан бири кигизи босиш устаси Ёдоғ Жўраевдир. Яқинда у Қоракўл тумани ўрмончилик ҳўжалиги кўмағида ўз уйда кигиз тайёрлаш цехи ташкил қилди. Кигиз босишда унга ака-укалари яқиндан ёрдам бермоқда.  
СУРАТДА: ака-ука Жўраевлар гулли кигиз босмоқдалар.  
**«ЭНГ ГЎЗАЛ КЕЛИНЧАК»**  
Қозоқ драматурги С. Болтаевнинг Сапар Ҳўжаниёв номидаги Қоракўл вилоятининг давлат ёш томошабилар театрида сахналаштирилган «Энг гўзал келинчак» асарини томошабилар илиқ кўтиб олди.  
Асарни Ўзбекистон халқ артисти, Бердах номидаги давлат мукофоти лауреати Н. Ангатбоев сахналаштирди. Ҳаётда юз берадиган машаққатларни энгшига ҳўдантўривчи ўткир сюжетли воқеалар иқтидорли ёш актёрлар талқинида ишонарли тарзда тавдалантирилган.

18 февраль — соҳибқирон Амир Темур вафот этган кун

Яна бир ярим йилдан сўнг Ўзбекистон ўзининг буюқ фарзанди, номи тарих саҳифаларидан абадий ўрни олаган улуг саркарда Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлайди.

Бу кутлуг санага ҳозирлик давом этмоқда. Жойларда Темур ва теурийлар даврига оид меъморийлик обидалари таъмирланади, илм арбоблари, айниқса, ижтимоий фанлар олимлари тадқиқотларида асосий эътиборни ана шу сулола фаолиятига ҳодисона баҳо беришга қаратишлари аниқ.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти директори, тарих фанлари доктори Темур ШАРИПОВ ва шу институтининг илмий ходими, тарих фанлари номзоди Амриддин БЕРДИМУРОДОВ билан мулоқот асосан ана шу мавзуда бўлди. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, бу искала олим Париждаги «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиувчилар ассоциацияси»нинг вице-президенти бўлибди.

— Темур Шарипов, суҳбатни Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасининг қарори ҳалқимизнинг маданий ҳаётида тутган ўрни, аҳамияти ҳақидаги фикрларингиз билан боғлиқ. Шу муносабат билан тўғридан ҳукумат комиссиясининг аъзоси, қолангера тарихчи сифатида бу масалага ўз қараширингиз билан...

— Амир Темур тарих саҳнада чиққанига 600 йилдан кўпроқ вақт ўтса ҳамки, соҳибқироннинг таваллуди ҳеч қачон умумхалқ, давлат миқёсида байрам қилинмаган. Амир Темур ҳикоятлар, ривоятлар орқали нафақат ўзбекларнинг, балки барча халқларнинг ёдидан кўтарилган эмас. Кези келганда шуни айтиш лозимки, Амир Темур шахси ва унинг мероси, тарихчилик, тарихчилик бўлган муносабатнинг тубдан ўзгариши ижтимоий фанлар ривожига янги бир даврни бошлаб бериши аниқ.

Амир Темур шахсиятига сўнги пайтларгача қора бўёқлар чаппиб келинди. Айниқса, рус-совет тарихнавислиги ва минг афсуски, унинг қаттиқ исқанжасида қолиб кетган ўзбек-совет тарихнавислиги Соҳибқирон шахсини, унинг дунё тарихида тутган ўрнини ҳолисона кўрсатиб бера олмади. Халқимизга янги хизмат қилган ул муборақ зоти нисбат тарихи фани, фақат бошқичи, қиринбарот келтирувчи қонур қилиб кўрсатади. Вақоанки, Амир Темур дунёни мўғуллар истибодидан қутқаргани, Турон давлатчилигини қайта барпо этиб, уни юксакликларга олиб чиққани, Фарб ва Шарқни боғлаб турувчи Буюк Ипак йўлини тиклаши, Маворуннахр ва унинг ташқарисида олиб борилган бунёдкорлик иши, саркарлик, дипломатик маҳорати, одил подшоҳ эканлиги ҳақида лом-мим дейилмади.

Юбилей муносабати билан Темур ва теурийлар даврида қирон обидалар таъмирланди, келажак авлодга етказиб берилади. Шу билан тарихчи ва маданиятнинг улдузиски ривож таъминланади. Ахир Президентимиз «Ўтмиши йўқ халқнинг келажиги ҳам йўқдир», деб қайта-қайта таъкидлаш бежиз эмас. Қарор нафақат Амир Темур шахсига, балки тарихимизга оид барча ёлғорликларга бўлган муносабатимизни яхши томонга ўзгартиради. Уларни бўзилишдан, оёқ ости бўлишдан сақлайди.

— Маълумки, Турон тарихида ялғор ҳам қўллаб сулодалар хўмрон бўлиб ўтганлар. Улар билан солиштирилганда теурийларнинг фарқи нимада?

А. БЕРДИМУРОДОВ:— Ҳақиқатан ҳам кўҳна Туроннинг 3 минг йиллик тарихига назар солидиган бўлсак, бу тупроқда бир неча тарихий сулодалар хўмронлик қилганликларини кўраемиз. Уларнинг баъзилари ўлмас асори-атиклар, шону шавкат қолдирган бўлсалар, бошқарган умрларини уруш-низолар билан ўтказишган.

Кўҳна Туронда сўғдийлар, хоразмийлар, юнон-бактрия подшоҳлари, қушонлар, эфталитлар, турк ҳоқонлари, тохрийдлар, сомонийлар, қорачонийлар ва хоразмийлар хўмронлик қилишган. Бу сулодалар даврида ҳам Туроннинг салтанати, маданияти ва илму фани юксак даражага кўтарилди. Буюк Ипак йўли орқали Шарқ ва Фарбга ёйилган. Турон саркарлари нафис мато ва буюмларини дунёнинг йирик шаҳарларига олиб борганлар. Дастлаб бу тупроқда турган Кушон сулоласи эрамининг I-IV асрларда Бутун Осёе бўйича сиёсат асраган эди. Қушонлар даврида маданият ва санъат юксак даражада ривожланган. Қисқаси, Туронда Теурийлар даврига ҳам санъат ва маданият, илм равнақ топган.

— Тарихдан биланмики, ҳар бир хўмрон сулоданинг ҳокимият тасвиги келиши фақат тақдирнинг тақдосига боғлиқ эмас. Бунда маълум шарт-шароит, вазият каби омиллар асосий ўрни тутди. Т. ШАРИПОВ:— Тарихимиздан

маълумки, 1219 йили Ўтрордан бошланган катта кулфат, яъни Чингизхоннинг Маворуннахрга қилган босқини 1231 йили Хоразмшоҳ Жалолиддин Мангубердиннинг вафотидан сўнг мўғулларнинг ғалабаси билан якунланди. Бир пайтлар ўзининг юксак санъати ва маданияти, илму фани билан донг таратган Маворуннахрда таназзул даври бош-

Буюқ турон фарзанди

ланди. Босқин натижасида обод-кўркам шаҳарлар, қишлоқлар, қарлар, саройлар, мадраса-ў масжидлар вайрон қилинди. Туронни кешиб ўтувчи салвокарвон йўлларида энди мўғул лашкарлари кеза бошлади. Албатта бу оғир даврда ақлолдорлик ёнга муте бўлиб ўтирган эмаслар, улар қўлларига қурол олиб, эрк жангига овланганлар.

Чингизхон ўзи истило қилган улкларни ўғиллари ва набираларига бўлиб берди. Улар эса халқни талаш ва солиқлар йиғиш билан машғул бўлидилар. Улар низолар ва талашлардан Туронюрт халқлари батамом ҳориб-толдилар. Ҳар қандай кулфатнинг ҳам охири бўлади, деганларидек, Маворуннахрдаги мўғуллар зулмининг ҳам чеки кўринди. Саркардорлар ҳаракати туфайли Самарқанд истибоддан озод бўлди. Аммо саркардорларнинг бу ғалабалари унчалик мустақкам эмас эди. Улар Маворуннахр халқининг барча қатламлари билан бир-де тил топа олмадилар. Айниқса, мўғуллар даврида анча мол-мулкка эга бўлган самарқандликлар улардан нолий бошладилар. Бундай вазиятдан фойдаланган Амир Хусайн саркардорлар раҳбарларини усталик билан ўз томонига олдириб, сўнгра қатл этирди. Унинг бу хоинона ҳаракатидан саркардорлар Амир Темур қаттиқ норози бўлди. Амир Хусайн билан Амир Темур ўртасида келишмовчилик юзага келди. Орадан 4 йил ўтиб, Амир Хусайн Хутгалон ҳокими Кайхусрав томонидан улдирилган, ҳокимият Амир Темурнинг қўлига ўтди. Шу даврдан бошлаб Туронюртда теурийлар сулоласининг ҳўмронлиги бошланди.

— Совет даври тарихи ва шарқшунос олимларининг асарлари Амир Темурни саводсиз деб ёзиб келишди. Аммо ундаги иқтидор ва салоҳият соҳибқироннинг ҳар томонлама билими эканлигини кўрсатмайдими?

А. БЕРДИМУРОДОВ:— Ҳақиқатан ҳам соҳибқироннинг «саводсизлиги» ҳақида кўпгина одамлар ёзганлар ва айни вақтда ўзлари ўзларига мантқан қарши чиққанлар. Гапим куруқ бўлмаслиги учун айрим мисоллар келтирмоқчиман. Совет тарихиса А. Якубовский: «У саводсизлигига қарамадан, она тили, турк тилидан ташқари, форс тилида ҳам ажойиб сўзлашардики, бу унга ўхшаш ўша даврининг етук кишилари билан яқиндан мулоқот қилишга имкон берарди. Кучли хотирага ва турма илму даражага эгалиги туфайли у зарур нарсаларни узоқ вақт мобайнида ёдда сақлаб қоларди. Темур ўзининг фикр доираси кенглиги ва мушоақасининг чуқурлиги билан бир неча маротаба сўзлашоларини лол қолдирган. Фалакит ва тибий илмларини яхши билган Темур, шунингдек, тарих ва илоҳийётни ҳам чуқур эгаллаганди. Машҳур тарихчи ибн Халдуи у билан мулоқотдан сўнг мусулмон мамлакатлари тарихини яхши билладиган киши билан сўзлашганидан тан олганди, дея ёзди. Мана, сиз жаҳонгир Амир Темурнинг «саводсизлиги»ни аниқлаган олимнинг фикрлари билан танишдингиз.

Амир Темур билан юзма-юз гаплашган ёки уни яқиндан билган бирорта замондоши соҳибқиронни «саводсиз эди» деб ёзмаган. Агар жаҳонгир саводсиз бўлганда, бу ҳол синҳоз элчи Руи Гонзалес де Клавихонинг назаридан четда қолмаган бўларди. Қолангера, Амир Темурнинг таржимаи ҳоли битилган асарларда уни отаси ешлитгиданоқ мактабга берганлиги алоҳида таъкидланган.

— 1992 йили Москвадаги «Гурпанаширида» чоп этилган «Тамерлан» деган китобдаги бир мактала «Темурийлар ренессанси» деган сарлавга қўйилган. Аммо у негадир кўптариноқда олинган. Бу атамани теурийларга нисбатан тўғри маънода ишлатса бўлмайдими?

Т. ШАРИПОВ:— Жуда аниқ илгарибиз. Менимча, муаллифлар атамани ўрнида қўллашгану, аммо нимадан дунгунчи, кўптариноқда олганлар. Тарихга назар

ҳаллий аҳоли томонидан тасодифан топилган. Фақат соғона қисми омон қолган мақбара ҳақидаги шов-шувлар оғиздан-оғизга кўчиб, Бухоро Амири Музаффарнинг қулониға етиб борди. Шундан сўнг амир Шахрисабзга келиб, унинг ичига кириб, тобутни очибга буйруқ берди. Хилхона ичидан ҳеч бир қимматбаҳо нараса тополмаган, бу воқеа маҳаллий аҳоли ўртасида турли шов-шувларга сабаб бўлди. 1940-50 йилларда бу ерда текшириш олиб борган олимлар соғона Амир Темур ўзи учун қурдирган мақбаранинг пастки қисми эканлигини исботладилар.

— Франциянинг пойтахти Париж шаҳрида «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиувчилар ассоциацияси» фаолият кўрсатади. Бу ташкилот билан Ўзбекистон олимларининг алоқаси қандай?

Т. ШАРИПОВ:— Ҳақиқатан ҳам Европанинг энг кўркам шаҳарларидан



бири Парижда анча йиллардан буюн «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиувчилар ассоциацияси» иш олиб бормоқда. Уни дастлаб бир гуруҳ француз элиблери ва ишбилармонлари ташкил этишган. Унга профессор Люсен Керен раҳбарлик қилиб келмоқда. У киши умрининг 40 йилини теурийлар тарихини ўрганишга сарлаган. Люсен Кереннинг ўндан ортиқ асарлари, таржималари Парижда қайта-қайта нашр этилган. Ушбу жамятининг беш хотибамиди Федерик Боперттоз хоним ҳам теурийлар маданиятининг шайдоси, тарғиботчиси ва жанқурийдир. Бу жамят билан Археология институти ўртасида мустақкам алоқа ўрнатилган. Биз 1992 йили Парижга илмий сафар чоғида ассоциация раҳбарлари билан учрашиб, мулоқотда бўлдик. Учрашув вақтида ушбу жамят билан институти мустақкам илмий алоқа ўрнатишга келишиб олгандик. Бу жамят бизга шуниси билан муҳимки, улар Амир Темур ва теурийларнинг Европа билан боғлиқ фаолиятларини анча чуқур ўрганганлар. Европанинг йирик музей ва кутубхоналарида сақланган теурийлар билан боғлиқ қўлмавлар, ёлғорликларини йиққанлар. Улар билан танишиш теурийлар тарихини янада чуқур ўрганишга имкон берарди.

Ҳамкорлигимизнинг меваси сифатида «Улутбек-астрономия султони» номли китоб юзага келди. Археология институти ва ассоциация олимлари жамланган ушбу асар Парижда француз тилида чоп этилди.

— Амир Темур ва теурийлар ҳақида гап кетганда, кўпчи Самарқанд ёки Шахрисабз тилга олинади. Аммо уларнинг фаолият доиралари, шунингдек, теурийлар даврида янаган улуг қишлоқ ҳақида сўз борганда улар ҳам бармоқ билан санарлик туюлади?

А. БЕРДИМУРОДОВ:— Амир Темур ва теурийларнинг фаолиятлари ҳақида сўзлаганда айримлар қамровни анча тор оладилар. Албатта уларнинг фаолияти фақат Туронюрт билан чекланган эмас. Аксинча, теурийлар фаолияти доираси жуда кенг. Бугунги кундаги ҳудудлар ҳақида гапиралдиган бўлсак, ҳозирги Россия, Кавказ, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон, Араб мамлакатлари ҳудудида теурийлар даврида яратилган кўпгина ёлғорликлар сақланган. Улар ўрганилмаган десак нотўғри бўларди. Аммо бу обидлар тўғрисида халқимиз жуда кам биларди. Чунки теурийлар ҳақида ёзилган барча адабийларни ҳали ҳеч қим бир жойга жамланган йўқ. Масалан, Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Оврупо, Американинг йирик шарқшунослари бу ҳуеусда қимматли асарлар яратганлар. Лекин улардан биз тўла хабардор эмасмиз. Эндигина бу ишлар жонланмоқда. Теурийлар даврида яшаб ўтган азиз-авлиёлар ҳақида гапиралдиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам уларнинг кўпчилигининг номларинигина биланми, ҳолок. Асарининг эса ҳатто исми-шарифини ҳам билмаймиз.

Маълумки, Амир Темур Туронда яшовчи барча азиз-авлиёлари чуқур ҳурматлаган, тирикларини зиёрат қилган, марҳум бўлганларининг қабрлари устига мақбаралар қурдирган. Амир Темурга пир устозлик қилган кўпчилик азиз-авлиёлар ҳақида жуда кам биланми. Мисол тариқасида бир нарсани айтиб ўтишимиз мумкин. Самарқанд илоҳийнинг Нуробод туманида Остобобо номли зиёратгоҳ бор. Бу ерда қўллаб ёзулар битилган тошлар ва қабрлар мавжуд. Айрим қабртошлар Самарқандда теурийлар даврида қўйилган тошларга жуда ўхшаб кетади. Маҳаллий халқ ўртасидаги бу зиёратгоҳда соҳибқироннинг ўзлари ҳам келганлар, деган гаплар бор. Ҳар қандай ривоятнинг тағида бир асос бўлганидек, бу гаплар бежиз эмасдир. Зиёратгоҳ билан жиддий шуғулланиш зарур. Бундай мисолларни истиргача келтириш мумкин. Амир Темурнинг юбилейи баҳонасида ўша давр тарихи, маданияти, санъати ва сиёсати оид барча маълумотлар анча тўлиқ ўрганилишига ишонамиз.

— Рус олимлари Амир Темурнинг Россиянинг Елец деган жойига ҳос тарзда нишонламоқчи эканлар. Бу маросимга ўзбек олимлари ҳам тақлиф этилганми?

Т. ШАРИПОВ:— Рус тарихнавислиги ҳақида Амир Темур шахсини эътибордан четда қолдирмаган. Масалан, 1881 йили Санкт-Петербургда рус тилида И. И. Срезневский таржимасида испаниёлик элчи Руи Гонзалес де Клавихонинг Самарқандга — Темур саройига қилган саёҳатининг кундаликлари эълон қилинган эди. Кўп ўтмай рус тарихчиси В. В. Бартольд ўз ижодининг асосий қисмини Темур ва теурийлар даврига бағишлаган. Москвада 1931 йили Амир Темурнинг таржимаси ҳали, 1946 йили А. Ю. Якубовскийнинг «Темур» номли каттагина мақоласи эълон қилинди. Бундай қизиқ бугунги кунларда ҳам давом этилмоқда. Москвада 1990 йили де Клавихонинг кундаликлари, 1992 йили «Тамерлан» номли билан соҳибқиронга бағишланган кўпгина илмий асарлар жамлалиб, қайта нашр қилинди. Шу жумладан, 1995 йилнинг сентябрийда Воронежда Амир Темурнинг Елец дарёси қирғоғига қалам қўйилганининг 600 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман чакриликмоқда.

Бу воқеа 1395 йилда содир бўлган. Амир Темур мўғуллар хони Тухтаманиннг енгиб, Олтин Урдаги аксон қилгандан сўнг Москвага юрди. Москва саросимга тушиб қолган эди. Соҳибқирон шимолида Елец дарёсига борди. Москвага ўз юз километр масофа қолганида фавқуллода бир қабр қабул қилиб, ўз режасидан воз кечди. Батамом тескари томонга, жанубга ўз ўйрида ва Қрим устига олтиди. Хўш, нега?

Бу воқеа ҳақиқ-ҳалигача тарихчилар орасида жумбоқ бўлиб қолмоқда. Рус тарихчилари таъкидлаганидек, ҳақиқатан ҳам соҳибқирон «Москва князялигининг қудратидан», «Рус аскарларининг мардондорлиги» ёки «Рус кишининг ўта сувуқлигининг» чўчилими? Албатта йўқ, сабаб бошқа эди. Соҳибқирон ўша замон «бор дунёнинг кун чиқшидан кун ботаригача бўлган юртларнинг» эгаси сифатида ривожланган ва бой юртлар Маворуннахр, Ҳиндистон, Хуросон, Эрон, Ироқ, Миср, Туркия, Кавказ, Хитой ва Мўғулстонларни, узоқ Европадаги Генуя, Кастилия, Испания, Франция ва Англияларни биларди. Ҳали, бой-бадавлат, сирли Ҳиндистон, қудратли усмонлиқ Туркия ва Мўғулстон, афсонавий Чин юртининг забт қилмаган эди. Елец воқеасидан сал ўтмай, 1396 йили Амир Темур Ҳиндистонга, Ганг дарёси қирғоғидарига юрди. Соҳибқиронинг «бор дунёнинг» текка улқаси бўлиши, юз йиллар мобайнида мўғуллар томонидан таланган қолоқ, камбағал Москва ва рус ерлари қизқиртирмас эди. Ажабмаским, Амир Темур буюқ ҳарбий саркарда сифатида эндигина мўғуллар истибодидан озод бўлган руслар устига юришни, ўша пайтлар анча кам куч рус армияси билан жанг қилишни эътилолмаган бўлса!

Соҳибқироннинг 1395 йилдан, Елец воқеасидан кейинги барча ҳаракатлари, дипломатик муносабатлари шундан гувоҳлик бериб турибди. Елец воқеасининг 600 йиллигига бағишлаган Воронеж университети ташаббуси билан ўтказилган халқаро илмий анжуман ана шу муаммоларни ўртага ташлайди. Биз, Ўзбекистон тарихчилари, ушбу анжуманда Амир Темур тарихини холисона ёритиш ниятида қатнашамиз, деган умиддамиз.

Суҳбатдон: Музаффар МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ҲОЗИРЧА ШАРТНОМА БУЗИЛГАНИ ЙЎҚ

Чеченистонда ўзаро ўт очишни тўхтатиш ҳақидаги шартнома 16 февраль кун кучга кирди.

Томонлар ҳозирча шартномага тўла амал қилмоқдалар, деди Чеченистондаги федерал қўшинлар матбуот хизматининг вакили полковник Владимир Воронцов. Можаро ҳудудида сўнгги ўт очишлар 15 февраль кун соат 23.15 да тўхтатилган.

ХИТОЙГА СУВ ОСТИ КЕМАСИ...

Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги вакили ўз мамлакатини Хитойга сув ости кемаси сотаётганини тасдиқлади.

Хитой билан ҳарбий-техник ҳамкорлик икки мамлакат ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқалар таркибига кирди ва бунинг ҳеч қандай ажабланили томони йўқ, деди у.

ҚАЙТА КЎРИБ ЧИҚИШГА РОЗИ

Саудия Арабистони Амир билан тўташ чегараларини қайта кўриб чиқишга розилик берди, деди Яман Бош вазир ўринбосари Абдул Қодир Важамола.

У Яман ва Саудия Арабистони ўртасида чегара баҳслари бўйича Эр-Риядда бўлиб ўтган музокараларда иштирок этди. Унинг таъкидлашича, ҳудудий баҳсларга оид масаланинг 80 фоизи мувожама қилинди. Шунингдек, чегараларга аниқлик киритиш Тоиф шаҳрида имзоланган битимга кўра амалга ошириладиган бўлди.

ЎЗ ЖОНИГА СУЙҚАСД ҚИЛИШГА ЧАҚИРДИ...

Ливия Фаластин миллий маъмурияти раҳбари ФОТ ижроси суйқаси раиси Ёсир Арафотини «ўз жонига суйқас қилиш ва васият ёзиб қолдиришга» чакирди.

Ливия ахборот агентлигининг ёзишича, фақат шу йўл билан Абу Умар (сиёсий таҳаллуси Ёсир Арафот) ўз бўрси ва эътиқодини сақлаб қолиши мумкин. Ливия ҳукуматининг фикрича, Исроил Ёсир Арафотни яхдудлар давлатини тан олгани ва араб миллий манфаатларига хиёнат қилишга мажбур қилди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ЭСТОНИЯГА БОРМАЙДИГАН БЎЛДИ

Россия давлат думаси кенгаши Эстонияга парламент делегациясини юбормаслик ҳақида қарор қабул қилди.

Ушбу расмий ташриф Биш кунга мўлжалланган эди. Бу ҳақда дума раиси Иван Рижков депутатларга баёнот берди. Айрим хабарларга кўра, сафарнинг қолдирилиши Эстониянинг Чеченистон воқеаларига билдирган муносабати билан боғлиқдир.

ТАКРОРИЙ ХАТО

Афғонистонда неки хатолик рўй берган бўлса, Чеченистонда айнан такрорланди, деди генерал-полковник Борис Громов.

У Афғонистондаги урушнинг охириг босқичида Совет қўшинларига қўмондонлик қилган эди. Чеченистон моҳирисини тинч йўл билан, аввалги хатони такрорлашмасдан ҳал қилиш лозим эди, деб таъкидлади у ПАТА-ТАСС мухбири билан суҳбатда.

ПОЕЗДЛАР ТЎХТАБ ҚОЛГАННИ АЙТМАСА...

15 февраль кун Япониянинг шимолида уч марта ер ости силқиниши рўй берди.

Хоккайдо оролидаги Куеиро шаҳрида тонг пайти 5,8 балл, уч соатдан сўнг 4,7 балл, яна бир соатдан сўнг эса 4,6 балл куч билан zilzila бўлди. Поездлар қисқа муддатта тўхтаб қўйилгани айтимласа, жиддий талафот кўрилмади.

РАСМАН ЁЗЛОН ҚИЛИНМАГАН...

Қўшилмаслик ҳаракатининг асосчиларидан бири, мустақил Бирма (ҳозирги Мьянма)нинг биринчи раҳбари У НУ 88 ёшида вафот этди.

У турли ижтимоий тузимдаги давлатлар ўртасидаги тинчлик ва муроеса ишига катта ҳисса қўшган эди. У Нунинг вафот этгани Мьянмада расман эълон қилинмади. Фақат унинг қариндошлари маҳаллий газетанинг «хусусий эълонлар» қисмида кичик бир тазиянома чоп этирди.

КИТЛАР ИЛМИЙ-ТЕКШИРУВ УЧУН ОВЛАНГАН ЭКАН

Тинч, Ҳанд ва Атлантик океанларининг жанубий қисмидаги 8 миллион квадрат километр сув сатҳини эгаллаган китлар қўриқхонасида Япониянинг кит оловчи кемалари пайдо бўлди.

Браконьерларни «гринпис» экологик ташкилотининг мутахассислари кўриб қолдилар ва йўлдош алоқаси орқали япон кемаларининг суратларини Австралияга узатдилар. Япония ҳукумати эса китлар илмий-текшириш ишлари учун овланаётгани ҳақида баёнот берди.

ВЕРТОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

Мексика кўрғазиде Америка Қўшма Штатларининг нефт компанияларидан бирига қарашли вертолёт қулаб тушди.

Унда беш киши бор эди. АҚШ қирғоқ ҳимояси хизмати кемалар ва вертолётлар ёрдамида фалокатта учраганларни қидирмоқда. Ҳозирча бирор натижа йўқ.

ҲАММА ГАП СОВРИНДА

Шоҳмат бўйича жаҳон чемпионатининг ярим финал ўйини Ҳиндистонда ўтказилган мураккаб аҳолида турибди, деди ҳиндистонлик саноатчи, шахмат шикҳбози Раи Саиги РА-ТА-ТАСС ахборот маҳкамаси мухбирича.

У ушбу мусобақатга ҳомийлик қилмоқда. Унинг айтишича, мусобақа соврини 2,95 миллион эмас, балки 1 миллион доллар бўлиши мумкин. Бирок Гата Камский, Валерий Салов ва Анатолий Карпов совриннинг қаммайрилишига қарши чиқмоқда. Шунингдек, Югославия ҳам ушбу мусобақанинг ташкилотчиси бўлиш истагини билдирган.

ПҮШТ, АРАВА КЕЛАЁТИР! Бензининг нархи... чайқовда чайқалиб туришти. Бензинфурушларга мазза! Аммо Деновдаги Бобур номли жамоа хўжалиги раҳбарларининг бу билан ишлари йўқ. Чунки хўжалик февралнинг бошида Каттакўргондан 20 от-арава сотиб олди. «Миллион сўмлик молни насияга берганмиз, — дейди раис Одибек Улугов — Аммо бизга бир литр ҳам солярка насияга берилмади. Мана энди аравалар бизга асқотадилар».

Жалолқудуқ туманидаги очик турдаги Ёрқишлоқ ип йиғирув ва тикув хиссадорлик жамятига маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Бу ерда белгиланган режалар ортиги билан адо этиб келинаётир. СУРАТДА: илгор тўқувчи Мухсина Азимова. Т. ДАМРОҚУЛ олаган сурут.

Мададталаб мактуб ОДАМЛАР САРСОН, ТАНИШЛАР ХУРСАНД Хурматли редакция! Биз Чалонзор туманидаги «П» маъсесининг 1-а, 9-а, 10-11-уйларида истиқомат қиламиз. Аҳолиимизнинг оғирлиги, аммо уни била туриб айрим раҳбарлар бизга тураларча муносабатда бўлаётганлиги туфайли сизларга мурожаат қилишга мажбур бўлдик. Мана бир йилдики уйларимиз ертўласидан сув айрилади. Қишда ҳаммаёқ зах босиб кетади. Ёзда эса чивиндан ухлай олмаимиз. Ўтган йили иссиқлик 20 декабрдан берилди. Шунга қарамай, батареялар илқикна. Ҳарорат пастлигидан одамлар уйда пайто, чопон кийиб юришади. Қариялар, ёш болаларга, айниқса, қийин бўлмоқда. Сиз, нега илгарироқ ҳаракат қилмадингиз, вақтида бош қотирганингизда мушкулнинг осон бўларди-ку, деб уйлашингиз мумкин. Ҳаракат қилганимиз. Қуздаёқ уй-жойдан фойдаланиш идораси

бошлиги Комил Дадахоновга мурожаат қилгандик. Натияжа бўлмади. «Навбахор» маҳалла қўмитаси раиси Раҳмат Рамазоновга ҳам учрашдик. У: «Ҳозир аҳвол оғир, ҳамма нараса қимматлашиб кетган. Уйимиз қишда яхши исисин, десангиз пул йиғинлар», деб маслаҳат берди. Шундан сўнг 9-уйда яшовчилар ноябрь ойида унга пул йиғиб беришди. Лекин мана баҳор яқинлашяптики ўзгариш бўлмади. Яъни пул олинди-ю ҳеч қандай иш қилинмади. Кейин билсак, Раҳмат Рамазонов ўзи шундай одам экан. Кам таъминланган, кўпболали оилалар ва ногиронлар учун берилган моддий ёрдамини тақсимлашда ноодилликка йўл қўймоқда. Аввало таниш биллишлари унинг марҳ



# Бир пиёла чой устида



**Мусавир Йигитали Турсунназаровнинг устахонасига кирарканман, кўзим даракдан ишланган турфа асарларга тушиб. Йўқ, йўқ, уларни шунчаки бир асар деб ўйламам. Аксинча, бадий ишлов берилган, мардлик ва нафислик, сабот ва ҳажжонга йўғрилган бўлиб, шохлар инсон қўлини, кўм-кўк, зангори ва олтинранг барглари кўзларини эслатади гўё.**

Даракнинг нечоғлик ўсиб, гуллаб-яшнаши, мева бериши унинг илдизига боғлиқ, деб бежиз айтганим. Инсон ҳам шундай. У она ерни қанчалик улугласа, севса, ажойиб мўъжизалар яратади. Ватан туйғусиз, унинг такрорланмас гўзаллигисиз, гуллари ва ўт-ўланларисиз, унинг ўтмиши ва келажакисиз инсон ашай оймайди. Айниқса, ижодкор.

— Мен ёни ўзим туғилиб ўсан Фаргона вилоятининг Рапқон қишлоғида ўтказишга ҳаракат қиламан, — дея гап бошлади расм. Болалигим ўтган ҳоли менга шундай ором ва илҳом берадики, бундай лаззатни ҳозиргача бошқа ердан тополмаганман, ишончим комилки, тополмасам ҳам керак.

Баланд бўйли оппоқ тееракларнинг шивирлашини, тоғ жилгаларининг нозли чулдирлашини севарди у ёшлигидан ва табиатнинг бундай гўзал манзараларини ўз асарларида тасвирлашга интилди. Асарларининг ўзига хослиги, томошабинга манзур бўла олиши шунданмикин, дейман. Аввало, меҳр-муҳаббат, қолаверса, юксак маҳорат билан яратилган асарлар-

нинг умри узун, ҳайратли ва суйимли бўлади. Менинг бу фикримни Йигиталининг ижоди яна бир бор тасдиқлайди. Кеска боғоннинг буюдойранг юзларига, оналарнинг, лобар қизларнинг, шўх йигитларнинг кўзларига муҳрланиб қолган самимиётликни кўрганмисиз? Айниқса қишлоқ ҳаёти манзаралари табиий бўёқларда ифодаланганини, табиийлиги билан ҳангиланиги бир чертиб ўтади.


Тусатдан нигоҳим мольберт (расм чизадиған кўча курси)га тушади. Эҳ-ҳе, бу тилсиз курсида ижодкорнинг не-не асарлари яратилмаган. Йигиталининг қувончлари, ташвишлари, тунлари-кунлари, бориники ижодий ҳаётнинг ҳамроҳидир у. Мусавирга қараб туриб, беихтиёр Илья Репиннинг «Санъатда энг асосийси техника ҳам, маҳорат ҳам эмас, балки, инсонийлик, меҳр-муҳаббат, раҳмдиллик», — деган сўзларини эсламан ва саволлар бергим келаверади.

Ижодкорга сюжетни ҳаётининг ўзи беради, уйлаб чиқарилган ҳар қандай зўр гоёлар ҳам унинг олдида хира ва сўниқ-дейман. Аввало, меҳр-муҳаббат, қолаверса, юксак маҳорат билан яратилган асарлар-

асарлари-қолдан кўришиб турибдики, у Шарқнинг феъл-атворини, кайфиятини аёло даражада тушунади. Унинг республика Давлат мукофотида лойиқ қўрилган «Орол ларди», шунингдек «Бобон портрети», «Биби-хоним», «Қора кўёш», «Сўнгги хат» картиналарида долзарб муаммолар ўз аксини топган.

Унинг қатор ишлари Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қўқон, Бухоро музейларидан,

да, Литвада, Ҳиндистонда кўргазмалари бўлиб ўтган.



У ўз билими ва талантини қолгандик, тасодифан.

юртида ва Тошкент санъат институтининг тасвирий санъат бўлимида ўқиб юрган пайтларда яна ҳам хархалади. Ушандаёқ у Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинганди.

— Утган — 1994 йил унинг учун қувончли бўлди. Лондон шаҳрида асарларининг шахсий кўргазмаси очилди ва ўзи ҳам иштирок этиди. Биз ушанда «Виктория ва Альберт» деб номланган Лондон музейининг Япония санъати залига учрашиб

Бон-стригдлаги пуфзули галереянинг эгаси, тасвирий санъат асарларининг машҳур йиғувчиси Сизни қандай топиб олган эди, тўғрироғи, қайси ишларининг унинг диққатини тортувди?

— Рол Мейлс тасвирий санъат асарларида, айниқса, полотноларда ҳаётни ҳақиқат ва ҳалолликни, теран туйғуларни қадрлайдиган одам.

— У сизнинг асарларингиздан Лондон кўргазмаси учун қайсиларини тандаб олди?

— Ўзбек халқи ҳаётининг турли кўринишларини ўзига жамлаган қирқтача картинамини.

— Мазкур кўргазмадан сизда қандай таассуротлар қолди.

— Миллий галереяни ҳамиша эсламан. У ерда улкан ва улғун ижодкорлар асарлари қаршисига соатлаб туриб ҳам чарчамайди томошабин. Аксинча кучига-куч қўшилиди, эзуликка интилади, кайфияти кўтарилиди. Мен у ерда эскизлар чизишни ўргандим.

— Сиз Гойя асарлари кўргазмасида бўлишга улгурдингизми?

— Албатта. Таассуротларим бир дунё, фойдаси шу бўлдики, улдан кист (чўтка) билан ишларни ўрганиб қайтдим. Фалсафий мавзудаги картиналар сериясини тутатдим. Яқинда Ирландияда ўтказиладиган кўргазмада иштирок этиш учун таклифнома олдим. Шу кунларда тайёргарлигимни кўрмоқдаман. Фақат янги асарлар билан қатнашмас деган ниётдаман.

Йигитали ёғочта расм иш-

ламоқда. Қаранг, у ўсапти, куртаклари тўлишяпти, баҳорда барг ёзиб, гулламоқда, мева тугмоқда ва яна... барглари тўкилиб, шохлари сукунатга чўмилиб... Бу инсон ҳаётининг ибтидоси ва интиҳоси-ку, ахир.

Йигитали Турсунназаровнинг санъатини фарзандлари давом эттиришга қатъий бел боғлашган. Уғиллари Аҳмад билан Жаҳонгир Беньков номли бадий билим юртининг бешинчи ва учинчи курсида таҳсил олмақда. Ўрта мактабнинг 8-синфида ўқибатган Ҳилола айни пайтда Тўқувилар маданият саройида тасвирий санъатнинг илк сирларини ўрганмоқда.

— Одамларга шундай бир тилагим, истигим бор, — дейди у сўхбатимизга яқун ясаркан, — яхши-ёмон кунларда ҳам бир-биримиздан илиқ сўзимизни, қўлдан келган ёрдамимизни аямайлик. Оғиримизни енгиб қилайлик. Бахтга, меҳрга сўянайлик. Болаларимизнинг парвозидан қўнғимизни тўлиб юрайлик.

Йигитали билан хайрлашиб, кетиб борарканман, кўчалар ҳам, одамлар ҳам, дову-даракти ҳам беҳад гўзал кўринади кўзларимга. Гўё унинг асарларидаги гўзаллик ва ҳайрат юртимдан чиқмас бўлиб ўрнашиб олгандек. Кўрдимизми, санъатнинг сеҳрини. Бир ҳақиқат учрашув, менга бир олам гўзаллик бахш этди. Илоийм, шундайлиги рост бўлсин. Мен эса юрагимга сиздир олмаганим гўзаллиқни сизлар билан баҳам кўргим келди.

Раим ФАРҲОДИЙ.

Суратда: Мусавир асарларидан намуналар.

• Юзма-юз

## Йигитали ТУРСУННАЗАРОВ: «МЕҲРГА, БАХТГА СУЯНАЙЛИК!»



Москвадаги Третьяков галереясида жой олган. Англия-Беньков номли бадий билим қолгандик, тасодифан. — Айтинчи, Рол Мейлс —

**• Ҳикматлар хазинасидан**

### ЯХШИЛИК ҚИЛГАН ЯХШИЛИК КЎРАДИ

Кемада сайҳатга чиққан икки дўст денгизга тушиб кўрдилар. Шу вақт тўлақон кучайиб кетди. Йўлочилар ҳаммаси бақириб-чақира бошладилар.

Кема даргаси дарҳол ўзини денгизга ташлаб, улардан бирини қутқариб қолди. Бошқасини қутқаришга эса унчалик жон койитмади. Иккинчиси чўкиб кетди. У ердагиларнинг барчаси дарғага: — агар тезроқ ҳаракат қилганимизда иккинчи одамни ҳам қутқарсанг бўларди. Жуда иммилладинг, — дедилар.

Дарға бундай жавоб берди: — Менга яхшилаб қулоқ солинг. Бу йигитни қутқаришни хоҳлаган эдим, қутқардим. Чунки у менга аввалдан яхшилиқ қилиб келган. Бошқасининг чўкиб кетишини хоҳлаган эдим, у чўкиб кетди. Чунки унинг кўп ёмонлигини кўрганман. У мени ранжитган, кўнглимни оғритган.

Алқисса: бу дунё шундай — қилмишинга яраша экан, зарра яхшилиқ қилган унинг ширин мевасини тотади. Заррача ёмонлик қилган ҳам унинг жазосини олади. Ақлли одамлар ҳеч кимга зарар етказмайдилар. Шу сабабдан ҳам барча яхшиларга ёндашдилар.

Наманган вилоятидаги уч ташкилот — «Экосан» Ўзбекистон экология ва саноатлик халқроқ жамғармаси бўлими, матбуот бошқармаси ҳамда вилоят телерадиокомпанияси «Табият ва инсонни асрайлик» шиори остида ижодий танлов эълон қилди.

Танловда профессионал журналистларгина эмас, истаган барча киши қатнашиши мумкин.

Дружба шаҳрида «Дуслик» деб аталган янги бозор ишга тушди. У аҳоли учун қулай жойда барпо этилди. Бозордаги эпик савдо расмларида бирданига 120 сотувчи хизмат кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, замонавий лойиҳа бўйича қурилган 42 дўкон ишибилармонларга сотилди.

Ўзбекистон кинематографчилар уюшмаси сўнгги йиллари яратилган энг яхши асарлар учун танлов эълон қилди. Миллий кинематосанга биринчи раундда «Дуслик» деб аталган янги бозор ишга тушди. У аҳоли учун қулай жойда барпо этилди. Бозордаги эпик савдо расмларида бирданига 120 сотувчи хизмат кўрсатиши мумкин.

Шунингдек, замонавий лойиҳа бўйича қурилган 42 дўкон ишибилармонларга сотилди.

Тошкентда республика театрларининг «Наврўз арафасида» деб номланган фестивал-кўриги бошланмоқда. Шу муносабат билан Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасида оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ходимларининг анжуман ташкилотчилари, ҳакамлар хайъати аъзолари билан учрашуви бўлди.

Навахор туманининг Навоий номидаги жамоа ҳўжалигида яна 400 та хонадон «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Аҳоли Навоий вилоят газлаштириш идораси ва вилоят сув ҳўжалиги бошқармасига қарашли бригадалар ишидан мамнун бўлмоқда.

## ҲАДИСЛАР

Илм ўрганиш учун Чин-мочинга бўлса ҳам боришдан қайтма

Ҳар бир дардининг давоси бор

Кўзи оғиз одамни қирқ қадам етаклаган жаннатийдир

### ДЕЙЛ КАРНЕГИ: ТИЛ ТОПИШИНГ, ИШИНГИЗ БИТАДИ

ИНСОН зоти борки, ўзиникини маъқуллашга уриниш кусурдан холи эмас. Аммо бу айрим ношуд тоифа кишиларга хос иллат. Оқилу доно инсон ҳеч қачон ўз гоясини тикиштирмайди, билас халқнинг ўзи уни эътироф этаверади.

ТЕОДОР РУЗВЕЛТ Нью-Йорк штати хокими бўлган чоғида ҳайратомуз ютуқларга эришган эди. Бунинг асосий сабаби шуки, у сиёсий корчолонлар билан ҳеч қачон муомала ва муносабатни бузмай туриб, тўб илохотларни ўз билганича ўтказган.

Айтилик, бирор юқори мансаб лавозини бўшаб қолди, унга раҳбар тайинлаш керак. Рузвелт ҳамма сиёсий корчолонларни хузурига чақириб, уларнинг тавсияларини тинглаган. Аввалига корчолонлар ўз партияларини аъзоси бўлган иктидорсиз кимсаларни тикиштиришга уринган, хоким эса «халқ бу номзодни маъқулламайди» деган юмшоқкина баҳона билан рад этган. Шунда улар қандайдир мансабпараст тўраларни тавсия этишди. Рузвелт эса яна устмонлик билан «жамият бундай раҳбарини ҳам қабул қилмас керак» дея, ҳар томонлама отуқ, ҳалол ва маданиятли номзодни тавсия этишларини илтимос қилган.

Хуллас, хоким корчолонларнинг кўнглини оғритмаган ҳолда ўзи маъқуллаб қўйган номзодни тавсия этишларига эришган. Аммо бунинг уларга сездирмаган ва, аксинча, «танлаб берган мақбул номзодларни» учун самимий миннатдорчилик билдирган. Корчолонлар ҳам хоким улар билан ҳисоблашаётганидан мамнун бўлишиб, меҳрлари янада ошаверган ва бир қатор

қонунларни илох қилишда Рузвелтга сидқидилдан ёрдам беришган.

Аслида Теодор Рузвелтнинг устмонлиги шунда бўлганки, у ўзини сўхбатдошининг фикрига ҳурмат билан қараётган, масалатини инобатта олаётган қилиб кўрсатган, холос.

Вудро Вильсон президентлик қилган даврда эса бунинг акси бўлган. Полковник Эдвард Хауз миллий ва халқроқ масалаларда президентга ўз фикрини ўтказишнинг ажойиб йўлини топган. Бир кун у президент билан учрашган чоғида қандайдир тадбирни таклиф этди. Бирок у Оқ уй ағасига ёқинқирамайдди. Аммо ордан анча кўн ўтиб, Хауз яна президент билан учрашганда, унинг ўша тадбир ҳақидаги гоясини давлат бошлиғи ўзиники қилиб кўрсатиб, полковникка маслаҳат солади. Шу воқеадан сўнг Хауз бир гоғ туғилса, уни тўғридан-тўғри ўртага ташламай, гап орасида кистриб ўтадиган бўлган. Ордан маълум вақт ўтиб, бу зарур гоғ гўё президентга тегишлидек, амалга ошди. Эеро, полковникка ҳам ўша ўғни ўз гоясининг ижобати керак бўлган.

Бундан Йигирма беш аср (!) муқаддам Хитой дошишманди Лао-Цзи шундай ҳақиқатни баён этган эдики, уни бугунги кунда ҳам муваффақиятли қўллаш мумкин: «Дарё ва денгизлар баланд тоғлардан қуйида бўлгани учун ҳам беҳисоб жилғаларнинг сувиға аға бўлишдан ташқари уларга ҳукморлик ҳам қиладилар. Худди шу каби дошишманд ҳам одамлардан юқори туриш мақсадида атайлаб ўзини улардан куйи тутишга ҳаракат қилади».

мўйнали пўстин олганин ҳақида чўрқ ҳам этмайсан...

\*\*\*

Хотини эридан сўрайди: — Мени жуда яхши кўрасанми, азизим? — Ҳа, худди сен мени яхши кўргандай? — Кесамтай кўяқон!

— Ҳайронман, — дейди эр телефонда гаплашган эзма хотинига, — нечүк бор-йўғи йигирма минутага гапни тутата қолдинг? Нима бўлди сенга? — Номерни нотўғри терибман.

\*\*\*

Бир жуфт пиво харид қилсам бас, жанжал қилиб оламни остин-



устун қиласан, — деб зорланади эри. — Лекин буш ишларини топшириб, ўзингга



ОБ-ХАВО

Республика Гидрометеорология маркази хабар қилади: Ҳафтанинг бошида республика-камиз худудида совуқ қиш ҳавоси ҳукм суради. Ҳаво ҳарорати кўпгина вилоятларда кечалари — 5-10 даража совуқ, кундузи — 1+14 даража ўртасида, шимолда кечалари — 11-16, кундуз кунлари 0-5 даража совуқ бўлади. Кейинчалик ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилишни кутулади.

Ҳафтанинг биринчи ярмида ёғингарчилик деярли бўлмайди. Бу даврда кечаси ва эртаб туман тушадди.

Ҳафтанинг иккинчи ярмида эса баъзи туманларда ёғимр ёғади.



МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?

«Бўри»ни қачон кўраимиз? «Бўри» деб номланган юлдузлар туркуми борлигини эшитганмиз. Уни қай вақтда кўриш мумкин-а?

Баҳодир ХўҲАҚУЛОВ, Шўрчи тумани. «Бўри» — осмоннинг жанубий ярим шарида Мезон, Акраб, Бурчак чизиғи, Циркул, Центавр ва Гидро юлдуз туркумига оралиғида жойлашган юлдузлар номи. Уни Ўзбекистонда ёз пайтларида кўриш мумкин.

БУ БОШҚА БЎКА Бўка тумани, шаҳри борлигини билардим. Аммо, шу номда ҳашорат борлигини сира эшитмаган эканман.

Алишер МАМАТОВ, Бўлутур тумани. Сиз уни кўргансиз. Аммо, эътибор бермаган бўлишингиз мумкин. Бўка биологлар тилида айтганда, қўнқанотлилар туркумига мансуб зараркунанда ҳашоратдир. Узунлиги 7-21 мм гача келади. Улар айниқса, қорамол, қўй-эчки жунни остига 2500 тагача тухум қўяди. Ва турли касалликларни келтириб чиқаради.



### «ЭРТАГА НИМА БЎЛИШНИ АНИК БИЛАМАН»

РУС ОЛИМЛАРИНИ НОБ ТАДҚИҚЛАРИ ШУНИ КўРСАТДИКИ, айрим кишилар ҳақиқатан ҳам келажакни олдиндан кўра билиш хислатига эга бўларканлар.

БРИТАНИЯ фельдмаршал Гертберт Китченер тақдир азалга ишонувчилардан эди. У башоратчи Хейронинг: «Сизни дахшати хавфхатар қутмоқда — умрингизнинг олтиминчи йилида денгизда юз берадиган фалокатни аниқ кўраман» деган сўзларини ҳеч қачон едидан чиқармаган.

1915 йилда инглиз газеталаридан бири лорд Клевернинг ҳаракатдаги армия позицияларидаги таширғи ҳақида хўжар қила туриб, шундай хабар тарқатганди: фельдмаршал турган жойга яқин ерда снаряд портлаганда кузатувчилардан бири, унга пана ҳойла яшириниши таклиф қилади. Лорд эса қўл сийтаб: «Менга барибир, денгизда ўлишимни яхши билман» деган эди.

Ҳақиқатан ҳам қисмат лорднинг «алдамади». У олтинчи ёшга тўлиш арафасида музокаралар олиб бориш учун Россия сафарига отланди. Британия худудида сузиб борётган крейсер ёнида кучли портлаш юз беради. Уша фалокат чоғида Гертберт Китченер билан бирга юзга яқин денгизчи ҳам ҳалок бўлади.

Америкалик эгизаклар Спрингер ва Лейслар ҳаётининг юз берган хайратомуз воқеалар ҳам тақдир азалнинг ҳақиқатдан далolat беради. Тақдир тақозаси билан эгизаклар ишлигидек бир-бирларидан ақралиб, орадан 39 йил ўтгач, қайта учрашдилар. Шунда маълум бўлдики, уларнинг тақдирлари ҳам икки томчи сувдек бир хилда кечган экан. Иккасининг ҳам кўз очиб кўрган хотинларининг исми Линда экан. Иккинчи марта ҳам бир хил — Бетси исми аёлга уйланишпти. Уғилларига ҳам Жеймс-Аллен деб исм қўйишган экан. Фақат бугина эмас, ака-укалар бир хил русумли ва бир хил рангдаги машинани ҳайдашпти. Буш вақтларида эса ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланишаркан.

Балки бу шунчаки тасодифдир? Йўқ, олимлар аниқлаганларки, эгизаклар ҳоҳ ёнма-ён, ҳоҳ айри (бири шимолда, бири жанубда) яшамасинлар барибир айни бир вақтда, бир хил касалликка чалинадилар, бир вақтда қартайиб ёки ҳасталаниб вафот этадилар.

Аммо шундай олимлар ҳам борки, қисмат масаласига ишонсизлик билан қарайдилар, ҳар ким ўз тақдирини ўз қўли билан яратди деб ҳисоблайдилар, қаромати башоратчи инкор этадилар. Бирок Дюк (АҚШ) университетига ўтказилган таҳрири ҳам башоратчи инсонни тасдиқлаган. Масалан, маҳсу сукурилмага бир неча қарта жойланган бўлиб, улар кетма-кет чиқётган пайтда бир одам қайси рақамли қарта чиқётганини тахминан айтиб туриши керак эди. Юзта қарта чиққан сўнг қарашса, халиги одам ўтган вақтининг тўғри топган экан. Бу эҳтилолик назарини белгилаб берган натижадан бир неча ўн баравар юқоридир.

Умуман, бундай тақриблар жаҳондаги ўнлаб лабораторияларда синаб қўрилган ва хайратомуз натижаларга эриб келинган. Шу муносабат билан савол туғилади: башоратчиликнинг сирли оламни тадқиқ этиш учун вақт ва маблағ сарфлаш шартми? Инсоннинг тарихида одамлар эртага ўз тақдирлари нима бўлишини аниқ билганлари ҳақида қўла-қўла мисоллар тулгананку! Масалан, машҳур рус тарихчиси В. Татишев ўзининг қайси кун, ҳатто қайси соатда ўлишини яқинларига башорат қилган ва мутлақо аниқлашган...

**ХАЛҚ СЎЗИ**  
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

• БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ хўжалиги 32-07-94; Иқтисодий 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Ахборот 32-29-89; Тўғри муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Митбуотчилар кўчаси, 19-уш.

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов. Навбатчи — Ф. Бобо Дўст.